

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**РУСТАМОВ КАХРАМОН ЖУРАБОЕВИЧ**

**ТЕРМИТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА ИНСЕКТИЦИДЛИ  
ВОСИТА ТАЙЁРЛАШ УСУЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**03.00.06 – Зоология**

**диссертация химоясисиз ихтиро патенти асосида  
биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини  
олиш учун  
ТАҚДИМНОМА**

**Тошкент – 2021**

**Диссертация химоясисиз ихтиро патенти асосида биология фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини бериш бўйича**

**Рустамов Кахрамон Журабоевич**

Термитларга қарши курашда инсектицидли восита тайёрлаш усулини  
ишлаб чиқиш..... 4

Эълон қилинган ишлар рўйхати..... 20

Ихтиро патенти иловалари..... 24

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/В445 рақам билан рўйхатга олинган.**

Иш Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Зоология институтида бажарилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Мирзаева Гулнара Саидарифовна**  
биология фанлари номзоди, катта илмий  
ходим

Тақдимнома Зоология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.В.52.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_ кунини соат \_\_\_\_<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232 б -уй, Зоология институти мажлислар зали. Тел: (+99871) 289-04-65, факс: (+99871) 289-10-60, E-mail: zoology@academy.uz.

**Д.А.Азимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., профессор, академик

**З.Ю.Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби в.в.б., б.ф.н., катта илмий ходим

## КИРИШ (тақдимнома аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда термитларнинг 3 мингга яқин тури маълум. Термитлар ўзининг бутун тарихий ривожланиши жараёнида сон жиҳатдан муттасил кўпайиб борар экан, урбанлашган биогеоценозларга кириб бориб, ўз ареалини ниҳоятда кенгайтириб юборди. Бутун дунёда қурилмалар ва иншоотларни биозарарловчилар таъсиридан ҳимоя қилиш ва сақлаш жиддий харажатларни ва меҳнатни талаб қиладиган тадбирдир. Осиё, Африка, Австралия ва Америка қитъаларидаги тропик мамлакатларда термитлар нафақат одамлар яшайдиган бинолар ва иншоотларни, балки кўплаб маданий ўсимликлар плантацияларини зарарлайди – уларни термитлардан ҳимоя қилиш муҳим-илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида мутахассиларнинг термитлар ҳаётини ўрганишга қизиқиши тобора ортиб бормоқда, зеро, термитлар муаммоси дунёнинг кўпгина мамлакатларини қамраб олган бўлиб, тропик мамлакатларда уларнинг хужуми ҳақиқий табиий офат тусини ола бошлади. Бугунги кунда ноёб халқ амалий санъати дурдоналари ҳисобланган ёғоч ўймакорлиги ишланмалари ва стратегик аҳамиятга эга объектларда термитлар катта зарар келтирмоқда. Термитларга қарши курашда дунё бозорида захарловчи моддалардан атроф- муҳитга безарар бўлган компонентларни қўшиб тайёрланган ем-хўрақлардан оқилона фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш ҳам зарур, чунки улар термитларга қарши курашишнинг интеграцияланган тизимида ҳам самарали, ҳам тежамкор восита бўлиши мумкин. Ҳозирда мамлакатимиз ҳудудида жойлашган кўплаб иншоотлардаги ёғоч конструкциялар ва бошқа материалларга термитлар жиддий даражада зарар етказмоқда. Термит популяциялари сонини бошқариш бўйича олиб борилаётган ишларга қарамадан, уларнинг ареали тобора кенгайиб бормоқда ва тарихий обидалар, турар жой бинолари термитлардан катта зарар кўрмоқда. Шундан келиб чиқиб, термитларга қарши жиддий кураш чораларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикаимизда бугунги кунда, термитларга қарши самарали кураш воситаларини ишлаб чиқиш, ҳамда биноларни, стратегик объектларни ва маданий-тарихий ёдгорликларни улардан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup>, «экологик барқарорликни таъминлаш ва ҳашаротларнинг халқ хўжалиги объектларига таъсирини олдини олиш усулларини такомиллаштириш бўйича тизимли тадбирлар» каби қатор вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан термитларга қарши курашиш стратегиясини ишлаб чиқиш учун уларнинг биологияси, экологияси ва кимёвий препаратлар таъсирида

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

термитлар сонини мақсадли тарзда назорат қилиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 февралдаги «Республикада термитларга қарши курашиш ишларини жадаллаштириш ва уларнинг зарарини бартараф қилиш тўғрисида»ги 27-сон қарори ва 2017 йил 28 декабрдаги «Табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятлар мониторинги, ахборот алмашинуви ва прогнозлаш ягона тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги 1027-сон қарори, 2019 йил 4 сентябрдаги Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада термитларга қарши курашиш ишларини жадаллаштириш ва уларнинг зарарини бартараф қилиш тўғрисида»ги 2012 йил 2 февралдаги 27-сон қарорига ўзгартиршлар ва кўшимчалар киритиш ҳақидаги 725-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларини амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

#### **Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Термитлар муаммоси ва уларга қарши кураш бўйича дунёнинг етакчи олимлари N. Holgren (1909-1913), T.E.Enyder (1956), P.P.Crasse, Ch. Noirol (1946, 1947), P.P. Grasse (1949) Roonwal, Sen-sarma (1960), Chatterjee, Thakur (1964) Вескег, Emerson (1965) Emerson, Weidner (1970), Lenz, Вескег, Krishna (1975), Martinus (1994, 1997) томонидан ўрганилган бўлса, МДХ мамлакатларида Д.П.Жужиков (1979), Е.Х.Золотарев (1971), Ильичев (1987), Луппова (1962, К. Какалиев (1983) ва Н.В.Беляевлар (1984) томонидан изланишлар олиб борилган.

Ўзбекистонда термитларнинг биологияси, экологияси ва уларга қарши уйғунлаштирилган кураш тизимида А.Ш.Хамраев (2001, 2007, 2011, 2015) томонидан қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Шунингдек, термитларга қарши курашда энтомопатоген организмлардан фойдаланиш юзасидан илмий тадқиқотлар А.А.Нуржанов (2001), И.И. Абдуллаев (2002), Т.И.Жугинисовлар (2007) томонидан олиб борилган. Республикада ёғочни термитлар зарарига барқарорлигини ошириш юзасидан Б.Р.Холматов (2011), термитларнинг табиий ва урбанлашган экотизимлардаги экологияси юзасидан И.И. Абдуллаев (2016), ва уларнинг трофик алоқаларига оид илмий тадқиқотлар З.А. Ғаниевалар (2018) томонидан олиб борилган.

Шунга қарамадан Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида турар жой ва нотурар жой иншоотлари, маданий тарихий обидалар ва стратегик объектларнинг термитлардан зарарланиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Ҳозирги кунда термитлар зарарини тўлиқ бартараф этилишида мазкур тадқиқот иши натижасида ишлаб чиқилган термитларга қарши курашда инсектицидли воситани тайёрлаш усулидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилаётган ем-хўрак бирдан-бир кураш воситаси сифатида хизмат

қилмоқда. Ушбу ем-хўрак таркибида қўлланиладиган таъсир этувчи моддаси фипронил бўлган инсектицидли воситани термитлар томонидан хуш кўриб истеъмол қилинадиган озика субстратига шимдирилганлиги ва субстрат картон капсулага жойланганлиги, унинг фақат термитларнинг ўзигагина таъсир этиши эҳтимоллигини ошириб, натижада атроф муҳит ва иссиққонли ҳайвонлар учун безарар тарзда термитлардан зарарланган бино ва иншоотларда юқори биологик самарадорлик намоён қилди. Сўнгги йилларда Марказий Осиёнинг *Anacanthotermes* авлоди термитлари тарқалган Қозоғистон ва Туркменистон каби мамлакатларида ҳам ушбу ишланмага эҳтиёж ортиб бормоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Зоология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-ФЗ-Т162 «Термитлар популяцияси сонини бошқаришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» (2007-2011), шунингдек UZB2-31002-ТА-08 «Марказий Осиё маданий меросларига асосий таҳлика солувчи Туркистон термитига қарши курашиш стратегиясини ишлаб чиқиш» (2008-2011) мавзусидаги халқаро лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Термитларга қарши курашда инсектицидли воситани тайёрлаш усулини ишлаб чиқиш асосида янги биологик самарадор ем-хўрак ишлаб чиқариш технологиясини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Лаборатория шароитида термитларга қарши таъсир этувчи моддаси фипронил бўлган инсектицидли воситани синовдан ўтказиш ва термитларга қарши курашда энг самарали дозаси аниқлаш;

термитларнинг табиий тарқалиш ареалларида таъсир этувчи моддаси фипронил бўлган препарат сингдирилган ем-хўракларнинг тажриба намуналари самарадорлигини аниқлаш;

термитлардан зарарланган турар жой иншоотларида таъсир этувчи моддаси фипронил бўлган препаратлар сингдирилган ем-хўракларнинг тажриба намуналари самарадорлигини аниқлаш;

термитларга қарши курашда аттрактантлиги, биологик самарадорлиги юқори бўлган инсектицидли воситани тайёрлаш усулини ишлаб чиқиш ва кенг миқёсда қўллаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида *Anacanthotermes* авлоди термитлари, таъсир этувчи моддаси фипронил бўлган препаратлар, ҳар-хил турдаги ўсимликлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** термитларга қарши курашда инсектицидли воситани тайёрлаш усулини ишлаб чиқиш асосида янги ем-хўрак ишлаб чиқариш усулини яратиш ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотнинг бажарилиш даврида умумий қабул қилинган энтомологик, зоологик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган. Термитларга қарши инсектицидли воситанинг биологик

самарадорлигини аниқлаш Хендерсон ва Тилтон томонидан модификацияланган Аббот формуласи бўйича амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:** термитларга қарши ем-хўрак таркибидаги озуқа субстратини танлашда Республикамиз флорасига оид 40 дан ортиқ ўсимлик тури синаб кўрилиб, улар орасидан термитларни ўзига энг кўп жалб қиладиган кунгабоқар (*Helianthus annuus* L.) ўсимлиги эканлиги аниқланган;

термитларга қарши уйғунлаштирилган курашда қўлланилиш учун таркибида таъсир этувчи моддаси фипронил бўлган Регент, 20% к.с. препаратини (Швейцария «БАСФ АгроВВ»), ем-хўраклар тайёрлашдаги энг самарали дозалари аниқланиб, термитларга қарши курашда инсектицидли восита тайёрлаш усули яратилган (№IAP 05832-2019 й.);

илк бор ем-хўрак таркибидаги ўсимлик озуқа парчаларини боғлаш учун боғловчи восита сифатида карбоксиметилцеллюлоза (КМЦ) қўлланилиш ҳамда термитлар учун аттрактантлик хусусиятларини ошириш мақсадида ушбу массани картон капсулага жойлаш технологик тизими ишлаб чиқилган;

илмий-тадқиқотлар доирасида термитларнинг популяцияси, экологик хусусиятлари ва уларнинг зарарини бартараф этувчи турли кураш усулларининг самарадорлиги ўрганилиб, олинган хулосалар асосида термитларга қарши такомиллаштирилган комплекс чора-тадбирлар юзасидан тавсиянома ва йўриқномалар ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.**

Юқори биологик самарадорликка эга бўлган инсектицидли воситани ишлаб чиқариш технологиясини яратишда: кунгабоқар поясини майдалаш, таъсир этувчи модда – фипронил асосидаги препаратнинг энг мақбул концентрациясидаги сувли эритмани тайёрлаш, кунгабоқар пояларининг майдаланган массасига эритмага карбоксиметилцеллюлоза (КМЦ) билан аралаштирилган ҳолда шимдириш, ҳамда ушбу массани цилиндр шаклидаги контейнерларга жойлаш, уларни белгиланган намликкача қуритилиш усулларининг натижаларини ишончлилиги меъёрий-техник ҳужжатларни Давлат идоралари томонидан тасдиқланган ва олинган натижаларни реал иқисодий самара билан ишлаб чиқаришга жорий қилиниши билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти термитларни ўзига энг кўп жалб қилувчи кунгабоқар (*Helianthus annuus* L.) ўсимлиги деб топилганлиги, таркибида таъсир этувчи моддаси фипронил бўлган инсектицидли воситанинг энг самарали дозалари аниқланганлиги, илк бор карбоксиметилцеллюлоза (КМЦ) қўлланилганлиги ҳамда ушбу массани картон капсулага жойлаш жорий қилинганлиги, термитлар учун унинг аттрактантлик хусусиятларини ошириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ихтиро доирасида ишлаб чиқилган кашфиёт воситанинг аттрактантлигини ошириш ва инсектицид массасини

кўпайтириш, шу билан бирга инсектицидли воситанинг таннархини тушириш ва фойдали хашаротлар, инсон ва атрофдаги мухит учун захарланиш хавфини пасайтириш имконини беради. Республикамизда аҳоли уй-жойлари, стратегик объектлар, маданий-тарихий ёдгорликлар ва табиий очик ер майдонларида термитларга қарши курашиш тизимида самарали восита сифатида Республикамизнинг барча вилоятларида кенг қўлланилмоқда, ҳамда МДХ мамлакатларига ҳам экспорт имконияти мавжудлиги билан асосланади.

### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Термитларга қарши курашда инсектицидли восита тайёрлаш усулини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

термитларга қарши ишлаб чиқарилаётган ем-хўракнинг кимёвий таркибини ротация қилиш мақсадида, хашаротлар ҳазм тизими фаолиятини издан чиқарувчи Регент 20% с.к. инсектицидли воситани ем-хўрак таркибига сингдирилган ҳолда, Сирдарё вилоятининг Боёвут, Мирзаобод туманлари, Самарқанд вилоятининг Қўшробод, Нуробод туманлари, шунингдек Тошкент вилоятининг Зангиота туманлари ҳудудларидаги аҳоли турар жойлари ҳамда унга чегарадош бўлган табиий ва очик ер майдонларида термитлар зарарини бартараф этиш бўйича “Ўзагрокимёхимоя” АЖ да амалиётга жорий қилинган (“Ўзагрокимёхимоя” АЖ нинг 2020 йил 10 декабрдаги 03-12/703-сон маълумотномаси). Натижада, термитларнинг табиий ва очик ер майдонларидаги термит уяларида 6 ойдан сўнг, термитлар популяциялари кескин камайиб, Регент 20% с.к. препарати 95,6-98,7% биологик самарадорликни намоён этди, ҳамда аҳоли турар жой бино ва иншоотларига чегарадош бўлган очик ер майдонларида термитлар тарқалишини тўхтатиш имконини берган;

“Термитларга қарши инсектицидли воситани тайёрлаш усули” ишланмаси юзасидан олинган ихтиро патенти асосида 2013-2017 йиллар мобайнида ЎзР ФА Зоология институти ҳузуридаги “Республика термитларга қарши курашиш маркази”да ишлаб чиқариш қурилмаси ишга туширилиб, термитларга қарши ишлаб чиқарилаётган ем-хўрак “Маданий – тарихий обидаларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш Бош бошқармаси билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё маданий мерос объектларини сақлаш ва улардан фойдаланиш минтақавий давлат инспекцияси фаолиятининг термитларга қарши курашиш бўйича амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Маданий мерос департаментининг 2020 йил 7 декабрдаги 01-01-БМ/907-сон маълумотномаси). Натижада, термитлар билан зарарланган Қорақалпоғистон Республикаси маданий мерос объектларининг 5 та тарихий обидасида, Хива шаҳридаги 24 та тарихий обидада, Сурхондарё вилояти Термиз тумани маданий мерос объектларининг 4 та тарихий обидаларида термитлар зарарини бартараф этиш, мазкур тарихий обидалар ҳамда унга ёндош кўшимча биноларида термитлар сонини назорат қилиш ва тарқалишини



тўхтатиш имконини берган;

Регент 20% с.к. кимёвий препаратини ем-хўрак таркибига сингдирилган ҳолда, Жиззах вилоятининг Фориш тумани, Самарқанд вилоятининг Иштихон, Каттакўрғон туманлари, шунингдек Қашқадарё вилоятининг Чирокчи туманлари ҳудудларидаги аҳоли турар жойларида термитлар зарарини бартараф этиш бўйича Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2020 йил 24 декабрдаги 2/2/32-1332-сон маълумотномаси). Натижада, аҳоли турар жой биноларидаги термит уяларида популяциялар сони кескин камайиб, ем-хўраклар юқори биологик самарадорлик (96-99%) ни намоён этган ва аҳолининг турар жой бино ва иншоотларида термитлар тарқалишини тўхтатиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 16 та республика миқёсидаги илмий анжуманларда муҳокамалардан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқотнинг асосий мазмуни бўйича жами 40 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 7 та республика ва 2 таси хорижий журналларда, шунингдек 1 та монография, 3 та тавсиянома, 2 та йўриқнома чоп этилган, 1 та ихтиро патенти ва 1 та саноат намунасига патент олинган.

### **ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Ўзбекистон Республикасининг “Термитларга қарши инсектицидли воситани тайёрлаш усули” (UZ IAP № 05832-2019 й.) ихтиро патенти**

**Фойдаланиш соҳаси:** халқ/коммунал хўжалиги, хусусан бинолар, иншоотларда, шунингдек яқин атрофдаги тупроқда ёғоч конструкциялар, ёғочдан таёрланган ва бошқа материалларга зарар келтирувчи термитларни йўқотиш.

**Вазифаси:** инсектицидли воситанинг аттрактантлиги, биологик самарадорлигини оширадиган ва хавфсизлик даражасининг юқори бўлишини таъминлайдиган термитларга қарши воситани тайёрлаш усулини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштирилган, экологик хавфсиз инсектицидли воситани қўллаш йўли билан термитларни йўқ қилиш усулини ишлаб чиқиш.

**Ихтиронинг моҳияти:** Бугунги кунда дунё бўйича термитлар томонидан келтириладиган зарар йилдан йилга ошиб бормоқда. Термитларнинг биноларга келтираётган зарари натижасида жорий таъмирлаш учун сарфланадиган маблағ дунё бўйича 20 млрд долларни ташкил этади. Сўнгги йилларда термитларнинг шаҳарлар ва қишлоқ жойлардаги бинолар ва иншоотларга ҳужуми кескин кўпайиб, жиддий муаммоларни юзага келтирмоқда. Ўзбекистон ҳудудида *Anacanthotermes*

авлодига мансуб 2 та тур: туркистон ва катта каспий орти (*A.turkestanicus* Jacobs., *A.ahngerianus* Jacobs.) термитлари тарқалган. Термитларнинг зарар келтирувчи фаолияти бугунги кунда Марказий Осиё минтақалари учун жиддий экологик ва ижтимоий-иқтисодий муаммо ҳисобланади.

Маълумки, термитлар – турли табақаларни бирлаштирувчи жамоа ҳосил қилувчи ҳашаротлардир. Термитлар жамоаси табақаларининг сони бир неча минг ва ҳаттоки миллионни ҳам ташкил этади. Аммо, чўл ерларини ўзлаштирилиши, эски мозорлар ва бошқа табиий маконлар бузилиши туфайли, термитлар аҳоли пунктларда ўзи учун жуда қулай шароитлар топиб, целлюлоза асосдаги барча қурилиш материаллари билан фаол озикланиши сабабли бино-иншоотлар, тарихий ва маданий ёдгорликларга катта зарар етказа бошлади, улар етказган зарарни таъмирлаш ва тиклаш харажатлари тобора ортиб бормоқда.

Термитларнинг яширин ҳаёт тарзи, экологик ташқи муҳит омилларидан кучли ҳимояланганлиги, жамоада табақаларининг функционал ихтисослашганлиги, сонининг ниҳоятда кўплиги, кураш чоралари ўтказилган тақдирда ҳам тирик қолган миқдордаги термитлар тезлик билан ўз популяциясини қайта тиклай олиш қобилияти уларга қарши кураш анча мураккаб эканлигини яққол кўрсатади.

Ўтган асрнинг 50-70 йилларида термитларга қарши курашда ДДТ ва гексахлоран, шунингдек фосфорорганик ва карбонатлар сингари инсон саломатлиги ва иссиққонли ҳайвонларга юқори захарли хусусиятга эга бўлган препаратларни пуркаш йўли қўлланилган бўлса, кейинги йилларда атроф-муҳит ва инсон саломатлигига салбий таъсири туфайли ушбу препаратларни қўллаш таъқиқланди. 2000 йилларга келиб, термитларга қарши перитроид препаратлар тавсия этила бошлади. 2000-2013 йй. давомида *Beauveria tenella* замбуруғи асосидаги биологик ем-хўраклардан фойдаланиш технологияси ишлаб чиқилди. Аммо амалдаги ем-хўракнинг корпуси учун пластик трубка қўлланилганлиги сабабли термитларни жалб қила олмади, яъни аттрактантлик хусусиятини намоён қилмади, бундан ташқари ем-хўракни намлантириш жараёнида *Beauveria tenella* замбуруғининг споралари очилиб кетиши сабабли термитлар учун биологик самарадорлиги паст бўлди. Ушбу усулнинг яна бир номақбул хусусияти майдаланган кунгабоқар пояларига сув ва инсектицид эритмаси шимдирилишидан иборат, чунки бу контейнерда ўсимлик фрагментлари боғланиши ва сақланишини таъминламайди, уларни транспортда ташиш жараёнида тўкилиб қолишига ва инсектицидли восита массаси йўқолишига олиб келади. Ундан ташқари, инсектицид шимдирилган ва пластмасса контейнерга қадоқланган майдаланган ўсимлик қисмлари сақланиш давомида юқори намликдан замбуруғлар билан зарарланади. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда 2014 йил 10 июнда амалдаги пластмасса трубка картон корпусга алмаштирилди ва ушбу ем-хўрак учун №SAP 01243 рақамли “Цилиндрик контейнер” номли саноат намунасига патент олинди.

Кейинги олиб борилган тадқиқотларда, термитларга қарши ишлатиладиган ем-хўрак таркибига таъсир қилувчи моддаси фипронилдан иборат бўлган инсектицидли воситани қўшиш юқори самарадорлик намоён қилди. Кашфиёт асосига термитларга қарши курашиш воситасининг аттрактантлиги, биологик самарадорлиги, ҳамда хавфсизлигини таъминлайдиган тайёрлаш усулини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди ва ишлаб чиқилди.

Бунинг учун дастлаб:

**1-тажрибада** лаборатория шароитида таъсир этувчи моддаси фипронил бўлган инсектицидли воситанинг термитларга қарши самарадорлиги ўрганилди (1-жадвал). Тажрибадаги Регент, 20% с.к. инсектицидли воситасининг *Anacanthotermes* авлоди термитларига қарши самарадорлигини лаборатория шароитларида баҳолаш қуйидагича амалга оширилди: тажриба учун Петри ликобчасига 20 тадан ишчи термитлар 5 та такрорланишда жойланди. Термитлар учун озуқа сифатида майдаланган кунгабоқар пояларидан фойдаланилди. Инсектицид шимдирилган нам ўсимлик массаси термитлар солинган Петри ликобларига жойланди.

Препарат 1000,0 г ўсимлик массасига 1, 2, 3, 4, 5,0 мл дозаларида синалди. Назорат сифатида инсектицидли воситасисиз ўсимлик озуқаси хизмат қилди. Озуқа ҳар куни сув билан намланди. Ортиқча сув бартараф этилди ва кунма-кун ҳашаротларнинг нобуд бўлишини ҳисобга олиш жараёнида фаол, фалаж ва нобуд бўлган термитлар сони қайд этилди.

1-жадвалда кўрсатилган вақт оралиғида ҳашаротларнинг нобуд бўлиш сонини ҳисоблашда термитларнинг нобуд бўлиш фоизи аниқланди.

Препаратнинг биологик самарадорлиги синалаётган препарат тажриба объектига таъсир этиши самарасини акс эттирадиган зараркунанда сонининг камайиш фоизи орқали баҳоланди.

1-жадвал

**Лаборатория шароитида Регент 20% с.к. препаратининг термитларга қарши биологик самарадорлиги**

№	Концентрация	Термитларнинг нобуд бўлиши, кунлар бўйича %						Биологик самарадорлик, %
		5	10	15	20	30	40	
1	0,001%	13,3±0,5	24,7±0,6	32,6±0,8	46,0±1,0	58,6±1,0	72,6±1,3	72,6±1,3
2	0,002%	14,6±0,5	26,0±0,7	35,3±0,8	50,0±1,0	68,0±1,2	88,0±1,4	88,0±1,4
3	0,003%	29,3±0,6	43,3±1,0	54,0±1,0	74,0±1,3	96,0±1,5	100	96,0±1,5
4	0,004%	34,6±0,8	60,0±1,2	80,6±1,4	98,7±1,5	100	100	98,7±1,5
5	0,005%	48,0±1,0	59,3±1,2	82,6±1,4	99,0±1,5	100	100	99,0±1,5

Эслатма: назоратга қараганда лой шувоклар, қопламалари ҳосил бўлиши ҳаққонийлиги ва термитларнинг озикланиш суръатлари (n=12, M±m: P<0,001)

Биологик самарадорликнинг ҳисоб-китоби Хендерсон ва Тилтон томонидан такомиллаштирилган Аббот формуласи бўйича бажарилди:

$$\text{Э} = 100 \times \left(1 - \frac{T_a \times C_b}{T_b \times C_a}\right), \text{ бу ерда}$$

Э – назорат учун тузатиш киритилган ҳолда, зараркунанда сонининг камайиш фоизидаги биологик самарадорлик;

$T_b$  – тажрибада, ишлов беришдан олдин тирик термитлар сони;

$T_a$  – тажрибада, ишлов берилгандан сўнг тирик термитлар сони;

$C_b$  – дастлабки ҳисобда, назоратдаги тирик термитлар сони;

$C_a$  – кейинги ҳисобда, назоратдаги тирик термитлар сони.

Олинган маълумотларни статистик баҳолаш ва ишончлилик интервални белгилаш натижалари 1-жадвалда тақдим этилган.

1-жадвал маълумотларидан Регент 20% с.к. препаратининг 0,001; 0,002; 0,003; 0,004; 0,005% концентрацияларида биологик самарадорлик кунлар бўйича 72,6- 88,0- 96,0- 98,7- 99,0%ни ташкил этганлиги аниқланди. Термитларга нисбатан ижобий баҳолаш мезони 90,0 % (Хамраев, 2007) эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, 0,003% концентрацияси термитларга қарши курашда энг мақбул миқдор деган хулосага келинди.

**2-тажрибада** Регент 20% с.к. инсектицидли воситанинг термитларга қарши биологик самарадорлигини зарарланган биноларда аниқлаш кўйидагича амалга оширилди:

Дала тажрибалари Хоразм вилояти Хива туманидаги «Мевастон» маҳалласидаги хусусий хонадонларда амалга оширилди. Инсектицидли восита кўшилган ем-хўрақларнинг биологик самарадорлигини ўрганиш баҳор фаслида, яъни термитларнинг актив фаолияти ва оммавий кўпайиши учун қулай даврда ўтказилди.

Аҳолининг асосан сомонли лойдан қурилган, ёғоч-тахта конструкциялари (эшик, ром, пол, синч оралиғидаги ёғоч материаллар, пол тахталари) термитлардан кучли зарарланган турар жой ва нотурар жой биноларига синовдаги ем-хўрақ намунасининг биологик самарадорлигини аниқлаш учун ўрнатилди. Ем-хўрақнинг озуқа субстрати учун майдаланган кунгабоқар поялари ишлатилди. Фипронил асосли препарат шимдирилган ва боғловчи восита сифатида КМЦ кўшиб аралаштирилган нам ўсимлик массаси 25 дона картон контейнерларга жойланди. Синов 1000,0 г ўсимлик массаси ва 40,0 г КМЦга –3,0 мл препарат кўшилган (0,003% концентрация) дозасида ўтказилди. Тажриба 3 маротаба такрорланишда ўтказилди.

Назорат сифатида препарат ўрнига сув билан намланган ем-хўрақлар хизмат қилди. Инсектицид воситали контейнерлар бироз қуритилиб, бевосита аниқланган янги лой сувоқлари, ҳамда термитлар тўпланган ва ҳаракатланаётган жойларга – хоналарнинг ёғочли қисмларига: дераза, эшик, шифт, таянч устунлари, пол ва деворларга – бир биридан 1,0-3,0 м. масофада ўрнатилди.

Инсектицидли воситанинг биологик самарадорлиги ем-хўрақ контейнерларида лой сувоқларининг ҳосил бўлиши, озуқа ташувчи ишчи-

термитлар (фуражирлар) сони ўзгариши ва янги лой сувоқлари пайдо бўлишига қараб баҳоланди (2-жадвал). Аҳоли турар жой хонадонларда ҳашаротларнинг илк захарланиш аломатлари инсектицид воситали контейнерларни ўрнатиш вақтидан 30 кун ўтгач пайдо бўлди. Хоналарнинг ёғочли қисмларида янги лой сувоқлари, қопламалари ўртача 21,3 тадан 9,6 тагача камайиб бориб, ем-хўракнинг биологик самарадорлиги 45-кунга келиб 56,4% ни, 90 кунга келиб эса термитлар томонидан янги лой-сувоқлар қопланиши деярли кузатилмасдан 98,7% ни ташкил этди. Шу билан биргаликда эски қопламаларга термитлар қатнови умуман кузатилмади.

Дастлабки кузатувларда контейнерларга термитларнинг келаётгани кузатилиб, лой сувоқлар қопламаси турли даражада ўсганлиги, синов тугагандан кейин эса лой-сувоқлар тушириб ташланганда ем-хўрак термитлар томонидан еб битирилганлиги, ёки қисмларга бўлаклар уяга ташиб кетилганини қайд этилганлиги синовдаги картон корпусли ем-хўракнинг аттрактантлик даражаси юқори эканлигидан далолат берди. Инсектицидли восита қолдиқ таъсирининг давом этиш муддати камида 6 ойни ташкил этди, 1 йилдан сўнг бинода термитлар зарари тўлиқ бартараф этилди.

2-жадвал

**Термитлар билан зарарланган бинода Регент 20% с.к. препаратининг термитларга қарши биологик самарадорлиги**

№	Тажриба варианты	Кимёвий препарат конц-цияси	Такорланиш	Ишловдан олдин аниқланган термитларнинг лой сувоқлари	Ишловдан сўнг янги лой-сувоқларни ҳисобга олиш кунлари бўйича		лой-сувоқларни ўраш даражаси, кунлар бўйича	
					45	90	45	90
1.	Регент 20% с.к.	0,003%	1	23	13	0	56,5	0
			2	22	9	0	40,9	0
			3	19	7	1	36,8	3,9
			Ўрт.	21,3	9,6	0,3	44,8	1,3
2.	Назорат	Ишловсиз	1	17	19	21	-	-
			2	23	21	20	-	-
			3	22	24	25	-	-
			Ўрт.	20,6	21,3	22	-	-

Эслатма: назоратга қараганда лой шувоқлар, қопламалари ҳосил бўлиши ҳаққонийлиги ва термитларнинг озикланиш суръатлари (n=12, M±m: P<0,001)

**3-тажрибада** Регент, 20% с.к. препарати, ёрдамида *Anacanthotermes* авлоди термитларини табиий яшаш шароитларида (термит уяларида) йўқ қилиш самарадорлигини баҳолаш ишлари амалга оширилди.

Бунинг учун, Ҳоразм вилояти Хива тумани «Хива» жамоа хўжалиги худудидаги майдони 1-2 м<sup>2</sup>. бўлган термит уялари танлаб олинди. Уяларда турли ривожланиш босқичларидаги –личинка, нимфа, ишчи, аскар ва етук термитлар мавжудлиги қайд этилди. Термитларнинг ўртача зичлиги: 1 уяга 12 мингтагача термитларни ташкил этди (3-жадвал).

Термитлар учун озуқа сифатида инсектициднинг 1,0; 2,0 ва 3,0 мл сувли эритмаси шимдирилган ва боғловчи сифатида таркибига КМЦ қўшилган, майдаланган кунгабоқар поялари массаси билан тўлдирилган картонли контейнерлар қўлланилди.

Назорат сифатида инсектицидсиз ем-хўрак жойланган контейнерлар олинди. Ўсимлик массаси билан тўлдирилган контейнерлар 40,0±2,0% намлик даражасигача қуритилиб, 12 дондан термит уясини атрофига ер тагига 30,0 см кам бўлмаган чуқурликка жойланди. Тажриба контейнерлари термит уясига баҳор фаслида, яъни термитларнинг биологик фаол ва оммавий кўпайиши учун қулай даврида ўрнатилди.

3-жадвал

### Термитлар уяларида -табiiй шароитда Регент 20%с.к. препаратининг термитларга қарши биологик самарадорлиги

№	Препарат	Концентрацияси,	Ем-хўрак контейнери оғирлиги, г			Контейнерда лой сувоқ қопламалари		Ем-хўракнинг истеъмол қилиниши
			Тажрибадан олдин	Тажрибадан кейин	лой сувоқ қопламаларисиз	узунлиги, см	%	
1	Regent, 20%с.к.	0,001	40,2±0,5	69,1 ±0,8	9,5±0,3	9,0±0,2	75,0±1,1	76,4±1,1
2		0,002	39,3±0,5	61,4±0,5	4,4±0,2	10,0±0,2	84,0±1,3	88,6±1,3
3		0,003	38,0±0,5	63,0±0,5	2,5±0,3	11,0±0,2	88,0±1,3	93,2±1,5
4	Назорат	сув	41,0±0,3	62,3±0,5	1,8±0,1	11,0±0,4	91,0±1,5	95,6±1,5

Инсектицидди воситанинг биологик самарадорлиги контейнерлар устида лой сувоқлари ҳосил бўлиши, термит оиласининг ёш ва табақа таркиби ўзгариши, ем-хўракли контейнер оғирлиги тажрибадан олдин ва кейинги ўзгариши бўйича баҳоланган. Мазкур тажрибаларда термитларнинг тез нобуд бўлиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки термитлар зарарланган ҳашаротларни уясидан чиқариб юборади. Натижада уларнинг заҳарланган ем-хўракни бошқа табақа термитларга етказиш ҳолатида узилиш рўй беради. Заҳарланиш оиладаги термитларнинг жуда кам сонига тарқалади ва кейинчалик бу сон қисқа мuddатда тикланиш хусусиятига эгадир.

Контейнерлар жойланган вақтдан бошлаб 30 кундан кейин термитлар оиласининг таркиби ўзгарди, яъни уя юзасида кўпроқ кичик ва ўртача ёшдаги ишчи термит намуналари қайд этилди, янги қопламалар сони қисқарди, контейнерлар аста-секин лой сувоқ билан қоплана бошлади.

Контейнерларни жойлашдан 90 кун ўтгандан кейин эса, уя юзасида термитлар аниқланмади, яъни янги ҳосил бўлган лой сувоқ қопламалари топилмади. Контейнерлар турли даражада лой сувоқлар билан қопланганлиги аниқланди. Контейнерларда қоплама ҳосил бўлиш суръатлари ва термитларнинг озикланишини ҳисобга олиш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

Тажриба маълумотларидан термитларнинг озикланиш суръатлари инсектицидли восита таркибидаги препарат концентрациясига боғлиқ эмас, деган хулоса келиб чиқди.

Аммо, таркибида таъсир этувчи моддаси фипронил бўлган инсектицидли воситанинг 0,003% концентрациясидан тажрибанинг 90-чи куни уядаги термитлар 98,7% нобуд бўлганлиги аниқланди ва энг юқори даражадаги биологик самарадорлик қайд этилди

Бундан ташқари, инсектицидли воситанинг таъсир этиш муддати тугагач, контейнер корпуси – картон ва тупроқдаги ем массаси термитлар томонидан уяга ташиб кетилган ва қўшимча тупроқ микроорганизмлари туфайли парчаланган. Уя очилиб ундаги тирик термитлар ва нобуд бўлган термитлар кўздан кечирилганда деярли 90-95 фоиз термитлар нобуд бўлгани ва термит уяси хаётий фаолияти тугатилганлиги қайд этилди.

Шундай қилиб, ўтказилган тажрибалардаги Регент 20% с.к. (таъсир этувчи моддаси фипронил) препаратининг юқори биологик самарадорлик намоеън этганлигини ҳисобга олган ҳолда, *Anacanthotermes* авлодига мансуб термитларга қарши инсектицидли воситани тайёрлаш ва термитларга қарши курашиш тизимида қўллаш усули таклиф қилинган бўлиб, бу бир неча босқичларда амалга оширилади.

**Кашфиёт моҳияти қуйидаги намуналар орқали намойиш этилади.**

**I-босқич** ем-хўракнинг аттрактант озуқа субстрати сифатида диаметри 0,5 мм. дан катта бўлмаган заррачаларгача майдаланган кунгабоқар пояси (*Helianthus annuus* L.) ишлатилади. Кунгабоқар поясини майдалаш махсус ускуналарда амалга оширилади (1-расм).



**1-расм. Кунгабоқар поясини майдалаш ускунаси**

**II- босқич** Корпуси 150 мм узунликдаги, диаметри 50 мм, икки тарафи очик, ён тарафларида термитлар харакатланиши учун кулай бўлган 16 та тешикли ем-хўрак контейнерларини тайёрлаш (2-расм).




А



Б

**2- расм Контейнерлар тайёрлаш ускунаси**  
**А-картон трубкани кесувчи ускуна. Б-картон трубкани ёнларини тешувчи ускуна**

**III -босқич** кунгабоқар пояларининг майдаланган массасини кўрсатиб ўтилган эритма билан шимдирилган ўсимлик қоришмасини цилиндр контейнерларга жойлашни (3-расм), ўз ичига олган бўлиб, бу усулда ўсимлик қоришмаси таркибига кўшимча равишда боғловчи модда - карбоксиметилцеллюлоза (КМЦ) аралаштирилади.



**3-расм. Препарат ва КМЦ қоришмаси шимдирилган майдаланган кунгабоқар пояларининг массасини цилиндр шаклидаги контейнерларга жойлаш ускунаси.**

Бунда кунгабоқар пояларининг майдаланган массаси ва КМЦ мос равишда 100:4 га тенг масса нисбатида олинади, ҳосил бўлган ўсимлик қоришмаси 10-15 дақиқа давомида хона ҳароратида аралаштирилади, бундан



сўнг тўлиқ шимдириш учун 20-30 дақиқага сақлаган ҳолда қўйилади, ҳосил бўлган масса билан цилиндр шаклидаги картон контейнерларга тўлдирилади.

**IV-босқич** Контейнерлар белгиланган намликкача ( $40,0 \pm 2,0\%$ ) қурилади (4-расм А). Ем-хўрак қоришмаси учун қадоқ материали сифатида узунлиги 150,0 мм ва диаметри 50,0 мм бўлган, икки томони очик ва термитлар бемолол кириб-чиқиши учун деворида 5,0 мм ташкил этадиган 16 кўшимча тешикли, картондан тайёрланган цилиндр шаклидаги контейнер ишлатилади. Контейнер учларида қопқоқ бўлмаслиги термитлар тўсиксиз кириб-чиқишини таъминлайди.

Тайёр бўлган ем-хўрак намунаси: таъсир этувчи моддаси фипронил бўлган препаратнинг ишчи эритмаси ҳамда карбоксиметилцеллюлоза (КМЦ) қоришмаси шимдирилган майдаланган кунгабоқар пояси жойланган картон корпусга зич жойланган ҳолатда бўлади (4-расм, Б).



**4-расм А- Заҳарли ем-хўракларни қуришиш мосламаси.  
Б-тайёр ем-хўрак намунаси.**

Инсектицидли восита учун қадоқ материали таркибидаги картонга фипронил моддаси сингиб, термитлар учун кўшимча инсектицидли емга айланади, пластмасса контейнерга нисбатан унинг қиймати сезиларли даражада арзон, ҳид чиқармайди, картон контейнерлар термитлар учун репеллент эмас, яъни термитларни чўчитмайди ва шу билан биргаликда таркиби целлюлозадан иборат эканлиги ем-хўракнинг аттрактантлик даражасини янада оширади.

Ушбу кашфиётнинг яна бир жиҳати тақдим этилаётган контейнерга жойланган инсектицидли восита бошқа ҳашаротлар, ҳайвонлар ва инсон учун умуман хавфсиз, яъни воситанинг ем массаси таркибида инсектицид концентрацияси пастлиги билан изоҳланади.

Тақдим этилган восита таркибига боғловчи модда сифатида карбоксиметилцеллюлоза (КМЦ) қўшилиши ем массаси заррачаларининг ўзаро мустаҳкам боғлиқлигини ва ем массаси йўқотишларсиз транспортда ташилишини таъминлайди.

*Anacantothermes* авлоди термит турларига қарши курашда заҳарли ем-хўраклар яратиш шу кунга қадар дунё миқёсида ишлаб чиқилмаган. АҚШ, Австралия, Бразилия ва бошқа мамлакатларда термит турларига қарши яратилган заҳарли ем-хўракларнинг нархи жуда қиммат бўлганлиги боис, амалиётда кам қўлланилаётган бугунги кунда мазкур ем-хўракнинг 1 донасининг нархи анча арзон бўлиб, 2500 сўмни ташкил этади.

Заҳарли ем-хўраклар яратиш ишланмаси ЎзР ФА Зоология институти Энтомология лабораториясида ишлаб чиқилган бўлиб, ем-хўракларни тайёрлаш ва термитларга қарши қўллаш технологияси бўйича цилиндрик контейнер саноат қурилмаси - UZ № SAP01243 (10.06.2014 й.) патенти ва 2019 йил 8 майда № IAP 05832 рақамли “Термитларга қарши инсектицидлик воситани тайёрлаш усули” ихтиро патенти олинди. Заҳарли ем-хўракни ишлаб чиқариш ишланмаси бўйича ташкилот стандарти ва сертификати олинган, шунингдек ихтиро патенти олинди, ЎзРФА ҳузуридаги Республика термитлага қарши курашиш маркази ДУКда термитларга қарши ем-хўрак ишлаб чиқариш қурилмаси яратилди ҳамда ишлаб чиқарилаётган ем-хўрак термитларга қарши кураш тизимида кенг миқёсда қўлланилиб юқори самарадорликка эришилмоқда.

Бундан ташқари, Зоология институти олимлари билан ҳамкорликда Республикада термитларга қарши курашиш ишларини жадаллаштириш ва уларнинг зарарини бартараф қилиш юзасидан тавсиянома «Термитларга қарши кураш тизимига оид тавсиялар» (ўзбек ва рус тилида) ва йўриқнома «Термитларга қарши курашишга доир йўриқномалар» (ўзбек ва рус тилида) тайёрланиб, термитларга қарши кураш тизимига жорий қилинган.

Шунингдек, термитларга қарши заҳарли ем-хўраклар ишлаб чиқариш технологиясининг илмий ечимларини ишлаб чиқилиб, термитларга қарши заҳарли ем-хўраклар аҳоли яшаш хонадонларида ва табиий ҳамда маданий-тарихий ёдгорликларда термитларга қарши кенг кўламда фойдаланилмоқда. Жумладан, Хива шаҳридаги Ичан-қалъа табиий музейи 26 та тарихий обидаларнинг 24 тасида термитлар тўлиқ бартараф қилинган.

Бугунги кунда Республика бўйича жами 15313 та хонадон, 24 та ижтимоий соҳа объекти, 75 та ташкилот ҳамда 772 га (дала, чўл, қабристон) очиқ ер майдонлари термитлар билан зарарланган.

Марказ ташкил этилгандан буён Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар дезинфекция станцияларининг мурожаатига кўра, шартнома асосида уларга заҳарли ем-хўрак билан тўлиқ таъминлаб келмоқда. 2013 - 2020 йиллар мобайнида 663,6 млн. сўм ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариб юқори самарадорликка эришилган.

## ХУЛОСАЛАР

Термитларга қарши курашда инсектицидли воситани тайёрлаш усулини ишлаб чиқиш натижасида янги биологик самарадор ем - хўрак ишлаб чиқариш технологиясини яратишда бажарилган назарий ва амалий тадқиқотлар асосида қуйидаги эътиборга лойиқ хулоса ва тавсиялар шакллантирилди:

1. Лаборатория шароитида *Anacanthotermes* авлоди термитларига қарши таъсир этувчи моддаси фипронил бўлган Регент 20% с.к. препаратининг 0,001; 0,002; 0,003; 0,004; 0,005% концентрациялари синовдан ўтказилди ва биологик самарадорлик кунлар бўйича 72,6- 88,0- 96,0- 98,7- 99,0%ни ташкил этганлиги аниқланди.

2. Термитларга нисбатан ем-хўрак таркибидаги фипронил асосидаги препаратнинг 0,003% концентрациясида уларга қарши курашда энг мақбул миқдор эканлиги аниқланди.

3. Регент 20% с.к. препаратининг 0,003% концентрацияли ишчи эритмаси ва боғловчи восита сифатида КМЦ аралашмаси шимдирилган озуқа субстрати жойланган картон корпусли ем-хўрак намунасининг биологик самарадорлиги термитлардан кучли зарарланган бино ва иншоотларда синовдан ўтказилганда, биологик самарадорлик 45-кунга келиб 56,4%ни, 90 кунга келиб эса, 98,7% ни ташкил этди.

4. Термитларнинг табиий тарқалиш ареалларидаги термит уяларида Регент 20% с.к. препаратининг 0,003% ли ишчи эритмаси шимдирилган картон корпусли ем-хўрак намунасининг 90 кундан кейин 100 % биологик самарадорлик намоён қилди.

5. Бино ва иншоотларда, ҳамда термитларнинг табиий уяларида, контейнерларга термитларнинг келаётгани кузатилиб, лой сувоқлар қопламаси турли даражада ўсганлиги, ем-хўрак термитлар томонидан қисмларга бўлаклаб уяга ташиб кетганлиги ва еб битирилганлиги қайд этилганлиги асосида синовдаги картон корпусли ем - хўракнинг аттрактантлик даражаси юқори деб баҳоланди.

6. Термитларга қарши инсектицидли воситани тайёрлаш усули ишлаб чиқилди ва ем-хўрак ишлаб чиқариш қурилмаси яратилди, ҳамда кенг миқёсда ишлаб чиқарилиб, термитларга қарши курашиш амалиётига жорий этилди.

7. «Термитларга қарши инсектицидли воситани тайёрлаш усули» га 2019 йил № IAP 05832 рақамли ихтиро патенти олинди ва патент асосида ишлаб чиқарилаётган ем-хўрак термитларга қарши кураш тизимида кенг миқёсда қўлланилмоқда.

# ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

## I бўлим

1. Азимов Д.А., Холматов Б.Р., Абдуллаев И.И., Мирзаева Г.С., Рустамов К.Ж. Экология термитов рода *Anacanthotermes* // Монография. Тошкент: Фан, 2019. – Б. 255.
2. Лебедева Н.И., Хамраев А.Ш., Мирзаева Г.С., Ганиева З.А., Жугинисов Т.И., Холматов Б.Р., Рустамов К.Ж. Ксилофаги-вредители древесных материалов и исторических памятников // Вестник Каракалпакского ГУ им. Бердаха. – Нукус, 2014. – №1.- С. 24-29. (03.00.00; №14).
3. Lebedeva N.I., Mirzaeva G.S., Ganieva Z.A., Rustamov K.Dj., Kholmatov B.R. Xylophage insects (Insecta: Coleoptera; Hymenoptera; Isoptera) – industrial wood vermin in Uzbekistan//Journal «European science review». - Vienna, Austria, 2016. - №11-12. - С. 5-8. (03.00.00; №6, **IF: 0.13**).
4. Рустамов Қ.Ж., Мирзаева Г.С., Холматов Б.Р., Ахмедова З.Ю. Термитларга қарши курашишда инновацион ёндашув // Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва карантини журнали. – Тошкент, 2018. - №3. – Б. 22-24. (03.00.00; №11).
5. Жугинисов Т.И., Лебедева Н.И., Мирзаева Г.С., Рустамов Қ.Ж., Основные вредители древесных видов Узбекистана. Вестник Каракалпакского отделения АН РУз. Нукус, 2017.-№ 4. –С. 57-59. (03.00.00; №5).
6. Ganieva Z.A., Mirzaeva G.S., Rustamov K.J., Akhmedov A.G. Study of natural enemies of *Anacanthotermes* genus termites // Uzbek biological journal. - Tashkent, 2018. - №2. – P. 39-44. (03.00.00; №5).
7. Закиров С.Х., Мухидова З.Ш., Шамьянов И.Д., Мухамматханова Р.Ф., Рустамов К.Ж., Жугинисов Т.И. Табиий экологик хавфсиз антитермит воситалар // Илм-фан ва инновацион ривожланиш. - Тошкент, 2019. – №1. – Б. 73-77. (03.00.00; 2019.02.28.262/9.2-сон қарор).
8. Жугинисов Т.И., Рустамов Қ.Ж., Ҳашимова М.Х., Қаниязов С., Аҳмедов В.Н. Термитларга қарши такомиллаштирилган кураш тизими (Isoptera, *Anacanthotermes* Jacobson, 1904) // Гулистон давлат университети ахборотномаси. – Гулистон, 2019. № 3, Б-24-28. (03.00.00; №3).
9. Рустамов К.Ж., Ганиева З.А., Ҳашимова М.Х., Болтаев Б.С. Термитлардан эҳтиёт бўлинг // Агрокимёҳимоя ва ўсимликлар қаратини илмий-амалий журнали.– Тошкент, 2020. - №3. - Б. 20-23. (03.00.00; №11).
10. Ganieva Z., Rustamov K., Akhmedov V., Zhuginisov T., Mirzaeva G., Mansurkhodjaeva M. Selection of feed substrate in the manufacture of antitermite baits // International Journal of Agriculture, Environment and Bioresearch, 2020, Vol. 5, No 5, pp. 102-112. – (№40. Research Gate, **IF: 0.23**).
11. Хамраев А.Ш., Лебедева Н.И., Жугинисов Т.И., Хохлачева В.Е., Кучкарова Л.С., Холматов Б.Р., Рустамов К.Ж. Цилиндрик контейнер -

Контейнер цилиндрический. Патент на промышленный образец № SAP 01243. - 10.06.2014.

12. Хамраев А.Ш., Лебедева Н.И., Жугинисов Т.И., Рустамов Қ.Ж. Термитларга қарши инсектицидди воситани тайёрлаш усули. Ихтирога патент. ЎЗР Интеллектуал мулк агентлиги. № IAP 05832. - 08.05.2019.

## И бўлим

1. Рустамов Қ.Ж., Рахматуллаев А.Ю., Жугинисов Т.И. Термиты заселяют стратегические объекты // Респ. научн. практ. конф. «Наука Каракалпакстана: сегодня, завтра». Тез.док. Нукус. 2009. - С. 80

